Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 10 январь, № 5 (7235) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Судларда давлат божини ундириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 30 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 10, 676-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **328-модда**:

1 ва **2-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) фуқаролик ишлари бўйича судларга бериладиган даъво аризаларидан, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган аризалардан (шикоятлардан), алоҳида тартибда юритиладиган ишларга доир аризалардан, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, иш юритишни тугатиш тўғрисидаги, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш тўғрисидаги ажримлар устидан бериладиган апелляция, кассация шикоятларидан ва назорат тартибидаги шикоятлардан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ҳақидаги аризалардан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ҳақидаги, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишлар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация шикоятларидан ва назорат тартибидаги шикоятлардан, чет давлат судининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги аризалардан, чет давлат судининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишлар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация шикоятларидан ва назорат тартибидаги шикоятлардан, шунингдек фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан ҳужжатларнинг дубликатлари ва кўчирма нусхаларини берганлик учун;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат тартибини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 30 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **17-модданинг тўртинчи қисми** «127» рақамидан кейин «127^1» рақами билан тўлдирилсин;

(Давоми 2, 3-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда.

Хусусан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган.

Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмади.

Аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларнинг самарасиз олиб борилаётганлигини кўрсатади.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда **шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини** аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Аҳолининг ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги, шунингдек, давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан деярли фойдаланмаслиги мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳолатларининг вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, ҳозирги глобаллашув, илмий-техник тараққиёт даврида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг инновацион усулларидан, тарғиботнинг илғор ва таъсирчан воситаларидан, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида **“Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш — демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!”** деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, **шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини** кенг тарғиб қилиш;

ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш;

аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, шунингдек, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш;

давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга доир тадбирларни ташкил этишда ижтимоий шериклик принципларидан кенг ва унумли фойдаланишни тизимли асосда йўлга қўйиш;

оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий ахборот билан таъминлашдаги ролини ошириш, ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларидан кенг фойдаланиш, шу жумладан, веб-технологияларни қўллашни кенгайтириш;

юридик таълимни такомиллаштириш, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини чуқур тадқиқ этиш.

2. **“Юксак ҳуқуқий маданият – мамлакат тараққиёти кафолати”** деган концептуал ғоя асосида аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун тизимли ва кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш давлат органлари ва ташкилотларнинг устувор вазифаларидан бири этиб белгилансин.

(Давоми 3-бетда).

МЕДИА МАКОНДАГИ МУҲИМ ТУЗИЛМА

АҚШнинг таниқли сиёсатчиларидан бири оммавий ахборот воситалари фаолияти хусусида сўз юритаркан, шундай таърифни келтирган эди: «Ахборот — замонавий дунёмизнинг кислороди».

Дарҳақиқат, бугун ана шу ибора амалда ўз тасдиғини топмоқда. Яъни одамлар кундалик ҳаётини ахборот ёки янгиликсиз тасаввур этолмай қолди. Масалан, аввалларида бир кунда, нари борса, ўнга яқин хабарни “ҳазм” қилган инсон мияси эндиликда юзлаб маълумотларни қабул қила оляпти.

Бу жараёнда масс-медиа олами катта масъулият ва синовни бошдан ўтказаётгани рост. Гап шундаки, оммага тезкор ахборот етказаман, деб, афсуски, “фейк” (ёлғон) ёки қуруқ, ҳақиқатдан йироқ материаллар тайёрлаш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Натижада бу кўплаб муаммоларни ҳам келтириб чиқаряпти. Шу боис журналистиканинг сифат, таҳлил, креативлик деган муҳим мезонлари тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Мазкур жиҳатларни ўз фаолиятига татбиқ қилиб, омма эътибору эътирофига сазовор бўлаётган медиатузилмалар ҳам бор, албатта. Биз шу ҳақда сўз юритмоқчимиз.

Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 14 ноябрдаги “Прокуратура органларининг ахборот-таҳлил фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази ташкил этилган. У ўз фаолиятида республикада олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш, нотўғри маълумотлардан бузғунчи ва бошқа ғайриқонуний мақсадларда фойдаланиш имкониятини бартараф қилиш учун юз бераётган воқеалар ҳақида аҳолини ўз вақтида хабардор этиш, жамиятда юксак ҳуқуқий маданиятни, қонунга ҳамда инсон ҳуқуқларига ҳурмат тушунчасини шакллантириш каби муҳим масалаларни устувор вазифа қилиб олди.

4

ВАЗИРЛАРНИНГ САМАРҚАНД ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ИЛК УЧРАШУВИГА ДОИР

Жорий йил 12-13 январь кунлари Самарқанд шаҳрида «Ҳиндистон — Марказий Осиё» мулоқоти ташқи ишлар вазирларининг Афғонистон иштирокида илк учрашуви бўлиб ўтади.

Унда Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Сушма Свараж, Қирғизистон ташқи ишлар вазири Чингиз Айдарбеков, Тожикистон ташқи ишлар вазири Сирожиддин Муҳриддин, Туркманистон ташқи ишлар вазири Рашид Мередов, Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Қозоғистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Мухтор Тлеуберди, шунингдек, Афғонистон ташқи ишлар вазири Салоҳуддин Раббоний иштирок этади.

Учрашувда ўзаро савдо ҳажмини оширишга кўмаклашиш, транспорт ва логистикани ривожлантириш, саноат, энергетика, ахборот технологиялари, тиббиёт, фармацевтика, қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларига инвестициялар, инновация ва технологиялар жалб қилиш бўйича ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари, шунингдек, маданият, илм-фан, таълим ва туризм соҳаларида ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинади.

Вазирларнинг биринчи учрашуви якунлари бўйича Қўшма баёнот қабул қилиниши кўзда тутилган.

ЎзА.

Халқ билан юзма-юз

Юртимизда солиқ соҳаси тубдан ислоҳ қилиниб, 2019 йилдан эътиборан янги солиқ концепцияси жорий этила бошланди. У мазмун-моҳиятига кўра, солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллашни назарда тутади. Бинобарин, Президентимиз таъбири билан айтганда, фуқароларимиз солиқдан қочиш эмас, уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлиши керак.

Шу маънода, солиқ маъмуриятчилигидаги ўзгаришлар, амалиётга татбиқ қилинаётган янгиликларни мамлакатимиз аҳолиси катта хурсандчилик билан қарши олди. Шу билан бирга, айрим жиҳатлар турли тушунмовчиликларни ҳам келтириб чиқарди. Айниқса, қўшилган қиймат солиғи туфайли одамлар орасида нарх-наво кескин кўтарилиб кетгани ҳақида гап-сўзлар тарқалди. Ижтимоий тармоқларда, ҳатто, айрим савдо дўконларида маҳсулот нархига 20 фоизлик устама қўйилаётгани тўғрисида хабарлар берилди.

Хўш, бу гап-сўзлар қанчалик асосли ва улар солиқ тизимидаги янгиланишларга боғлиқми?

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида ташкил этилган янги “Халқ билан юзма-юз” рукнининг илк мавзуси айнан солиқ тизимидаги ўзгаришларга бағишланади.

Юртдошларимиз томонидан таҳририятимизга йўлланган саволларга Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Беҳзод МУСАЕВ эксклюзив тарзда жавоб берди.

6-саҳифага қаранг.

ЯНГИ СОЛИҚ КОНЦЕПЦИЯСИДАН КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

- Иш ҳақи ва аҳоли реал даромадини ошириш
- Бизнесни хуфиёна иқтисодиётдан очиқ ишлашга чиқариш
- Солиқ органи ва солиқ тўловчи ўртасида ишчан муносабатни шакллантириш
- Солиқ тизими шаффофлигига эришиш
- Солиқ тўловчилар учун харажат ва оворагарчиликларни қисқартириш
- Солиқларни ҳисоблаш ва тўлашни соддалаштириш

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2019 йил 10 январь

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Судларда давлат божини ундириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2) иқтисодий судларга бериладиган даъво аризаларидан, ташкилотларни ва фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалардан, низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида ишга киришиш ҳақидаги аризалардан, иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари юзага келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризалардан, иқтисодий суднинг ҳал қилув қарорлари, иш юритишни тугатиш ҳақидаги, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш ҳақидаги ажримлар устидан бериладиган апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳақидаги аризалардан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳақидаги ишлар бўйича иқтисодий суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан, чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризалардан, чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги ишлар бўйича суд ажримлари устидан бериладиган апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан, шунингдек иқтисодий судлар томонидан ҳужжатларнинг дубликатлари ва кўчирма нусхаларини берганлик учун»;

қуйидаги мазмундаги **2¹-банд** билан тўлдирилсин:

«2¹) маъмурий судларга бериладиган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги аризалардан, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги, сайлов комиссияларининг ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш ҳақидаги, нотариал ҳаракатни содир этишни, фуқаролик ҳолати далолатномаларининг ёзувларини қайд этишни рад этганлик юзасидан низолашиш ёхуд нотариуснинг ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги, давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаганлик устидан бериладиган шикоятлардан, маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорлари, иш юритишни тугатиш тўғрисидаги, даъвони кўрмасдан қолдириш ҳақидаги, суд жарималарини солиш тўғрисидаги ажримлар устидан бериладиган апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан, шунингдек маъмурий судлар томонидан ҳужжатларнинг дубликатлари ва кўчирма нусхаларини берганлик учун»;

2) **329** ва **330-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«329-модда. Фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлашдан озод қилиш

Фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) даъвогарлар – иш ҳақини ундириб олиш тўғрисидаги даъволар ва меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар юзасидан;

2) даъвогарлар – алиментлар ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

3) даъвогарлар – меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланганлиги, шунингдек боқувчиси вафот этганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

4) даъвогарлар – ноқонуний ҳукм этиш, жиноий жавобгарликка тортиш, маъмурий жазо бериш туфайли жисмоний шахсга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ низолар юзасидан;

5) даъвогарлар – жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

6) юридик ва жисмоний шахслар – алиментларни ундиришга доир фуқаролик ишлари билан боғлиқ ҳужжатларни уларга берганлик учун;

7) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга ариза билан мурожаат этган юридик ва жисмоний шахслар;

8) юридик ва жисмоний шахслар – давлат ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар юзасидан;

9) тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда;

10) истеъмолчилар – ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ даъволар юзасидан;

11) товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари ва истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари – истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб бериладиган даъволар юзасидан;

12) даъвогарлар – ўрмон дарахтларини ўзбошимчалик билан кесиш ҳамда ўрмондан фойдаланиш, ўрмонни қўриқлаш ва муҳофаза қилишнинг тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузиш туфайли ўрмон фондига етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

13) давлат органлари – ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиш тўғрисидаги даъволар юзасидан, шунингдек жисмоний шахсларга тегишли бўлган, тарихий, илмий, бадиий қимматга ёки ўзга маданий қимматга эга бўлган мол-мулкни жисмоний шахслар бу мол-мулкка хўжасизларча муносабатда бўлган ҳолларда жисмоний шахслардан давлат мулкига олиб қўйиш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

14) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари – палата аъзоларининг манфаатларини, ўз манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар бўйича, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қилинган шикоятлар юзасидан;

15) нодавлат нотижорат ташкилотлари – ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;

16) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар бўйича, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб қилинган шикоятлар юзасидан;

31) Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари – кўмита ваколатларига мувофиқ судларга бериладиган даъволар ва аризалар юзасидан;

32) мулкдорлар – хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳақидаги ишлар юзасидан;

33) якка тартибдаги қурувчи билан тузилган шартномага кўра қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш чоғида буюртмачининг вазифаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қайси юридик шахснинг зиммасига юклатилган бўлса, ўша юридик шахс – қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш масалалари юзасидан якка тартибдаги қурувчилар билан низоларни ҳал этиш тўғрисидаги даъволар бўйича;

34) қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун имтиёзли кредитлар бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ қайси тижорат банкларининг зиммасига юклатилган бўлса, ўша тижорат банклари – қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун берилган имтиёзли ипотека кредитлари юзасидан қарз олувчиларнинг кредиторлик қарзларини ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;

35) хорижий инвестициялар иштирокидаги акциядорлик жамиятлари – уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъволар юзасидан;

36) тадбиркорлик субъектлари – ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берганда.

Ушбу модда биринчи қисмининг 8–10, 32–36-бандларида кўрсатилган шахсларнинг талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда ундирилади.

330-модда. Иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан озод қилиш

Иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) аризачи ва жавобгар – қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) ўз устав фондини (устав капиталини) шакллантирмаган корхоналарни тугатишга доир ишлар бўйича;

2) даъвогарлар – ўрмон дарахтларини ўзбошимчалик билан кесиш ҳамда ўрмондан фойдаланиш, ўрмонни қўриқлаш ва муҳофаза қилиш тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузиш туфайли ўрмон фондига етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги, ўрмон хўжалиги даромади суммаларини (шу жумладан, ўрмон дарахтларини ўсиб турган жойида сотиш қоидаларини бузганлик учун зарар ва неустойкани, шунингдек ўзбошимчалик билан ўрмон дарахтларини кесганлик, пичан ўрганлик ва молларни ўтлатганлик учун жарималарни) ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича;

3) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари – палата аъзоларининг манфаатларини, шунингдек ўз манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан;

4) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар бўйича;

5) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, шунингдек уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари – барча даъволар бўйича;

6) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари – «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ пенсияларни тўлашга кетган маблағларни ташкилотлардан ундириб олиш бўйича даъволар, шу жумладан регресс даъволар юзасидан;

7) суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органи – мажбурий суғурта операциялари билан боғлиқ барча ишлар бўйича;

8) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда уларнинг жойлардаги органлари – сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик туфайли давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун маблағларни давлат даромадига ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

9) Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари – атроф-муҳитни ифлослантирганлик, табиатдан ўзбошимчалик билан фойдаланганлик ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишнинг тартиб ва шартларини бошқача тарзда бузганлик туфайли табиий объектларга ва комплексларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

10) Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари – қўмита ваколатларига мувофиқ судларга бериладиган даъволар ва аризалар юзасидан;

11) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи – инвесторларнинг, қимматли қоғозлар эгаларининг ҳамда давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадидаги даъволар юзасидан;

12) давлат солиқ хизмати органлари, молия ва божхона органлари – барча ишлар ҳамда ҳужжатлар юзасидан, шунингдек алоҳида юритиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун;

13) прокуратура органлари – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;

14) адлия органлари – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;

15) ундирувчи ёки давлат ижрочиси – қонунда назарда тутилган тақдирда, қарздорни ёки унинг мол-мулкини қидириш бўйича харажатларнинг ўрнини қарздор томонидан қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

16) халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан ҳукуматлараро келишувлар асосида берилган кредитлар бўйича асосий қарздор сифатида қатнашувчи давлат органлари ва ташкилотлари – субзаём олувчилардан пайдо бўлган қарздорликларни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

17) давлат эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича сотиб олувчи ҳисобланган давлат органлари ва ташкилотлари – етказиб берувчилар (пудратчилар) томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилмаганлиги билан боғлиқ даъволар юзасидан;

18) Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги – интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кўзлаб қилинадиган даъволар юзасидан;

19) Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари – фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан;

20) аризачи ва жавобгар – ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича;

21) хорижий инвестициялар иштирокидаги акциядорлик жамиятлари – уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъволар юзасидан;

22) тадбиркорлик субъектлари – ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берганда.

Ушбу модда биринчи қисмининг 21 ва 22-бандларида кўрсатилган шахсларнинг талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг рад этилган миқдорига мутаносиб равишда ундирилади»;

3) қуйидаги мазмундаги **330¹-модда** билан тўлдирилсин:

«330¹-модда. Маъмурий судларда давлат божини тўлашдан озод қилиш

Маъмурий судларда давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) тадбиркорлик субъектлари – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда;

2) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари – давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан палата аъзоларининг манфаатларини, шунингдек ўз манфаатларини кўзлаб берилган аризалар бўйича;

3) нодавлат нотижорат ташкилотлари – ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;

4) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар – фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;

5) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, шунингдек уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари – ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;

6) давлат солиқ хизмати органлари, молия ва божхона органлари – барча ишлар ҳамда ҳужжатлар бўйича;

7) прокуратура органлари – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бериладиган аризалар юзасидан;

8) адлия органлари – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бериладиган аризалар юзасидан;

9) юридик ва жисмоний шахслар – давлат ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бериладиган аризалар (шикоятлар) бўйича;

10) Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари – фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб бериладиган аризалар (шикоятлар) юзасидан;

11) мулкдорлар – хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органларининг ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳақидаги ишлар юзасидан;

12) хорижий инвестициялар иштирокидаги акциядорлик жамиятлари – уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъволар юзасидан;

13) тарафлар – муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш ҳақидаги ишлар юзасидан.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 9, 11, 12-бандларида кўрсатилган шахсларнинг талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда ундирилади»;

4) **337-модда**:

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишдан дастлабки даъвогар чиқиб кетган ва у ҳуқуқий ворис билан алмаштирилган ҳолларда, давлат божи, агар у дастлабки даъвогар томонидан тўланмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда ҳуқуқий ворисдан ундирилади»;

олтинчи қисмидаги «фуқаролик процессуал ва хўжалик процессуал» деган сўзлар «фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи қисмидаги «ундирилади» деган сўз «тўланади» деган сўз билан алмаштирилсин;

йигирма иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Даъво аризасини (аризани, шикоятни) қайтаришга асос бўлган шароитлар бартараф этилганидан сўнг такроран бериладиган даъво аризаларига (аризаларга, шикоятларга) давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки ҳужжат давлат божи такроран тўланишининг олдини олиш учун илова қилиниши мумкин»;

қуйидаги мазмундаги **йигирма тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб билдирилган талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи ариза қайси шахсларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган бўлса, шу шахслардан даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади»;

йигирма тўртинчи – **йигирма еттинчи қисмлари** тегишинча **йигирма бешинчи** – **йигирма саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

5) **342-модданинг биринчи қисми**:

2 ва **3-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) суд даъво аризасини (аризани, шикоятни) қайтарганда ёки қабул қилишни рад этганда, шунингдек давлат нотариал идоралари нотариал ҳаракатларни амалга оширишни рад этганда;

3) апелляция, кассация ва назорат шикояти қайтарилганда ёки уни қабул қилиш рад этилганда»;

қуйидаги мазмундаги **3¹-банд** билан тўлдирилсин:

«3¹) давлат божи тўланган даъво аризаси (ариза, шикоят) ёки апелляция, кассация ва назорат шикояти судга келиб тушмаганда».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 9 январь
№ ЎРҚ–513

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат тартибини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2) **127-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги** «тиламчиликка» деган сўз чиқариб ташлансин;

3) қуйидаги мазмундаги **127¹-модда** билан тўлдирилсин:

«127¹-модда. Тиланчилик қилиш

Аэропортларда, вокзалларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, бозорларда ва савдо мажмуалари ҳудудларида, шунингдек уларга туташ ҳудудларда, автомототранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида, кўчаларда, стадионларда, бекатларда, йўлларнинг қатнов қисмида, моддий маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларда, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда сўраб, тиланчилик билан шуғулланиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахсларни, кекса ёшдаги шахсларни, руҳий касалликлари, ногиронлиги бўлган шахсларни ва бошқа шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шунингдек шахсларга алкоголли ичимликларни ёхуд гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп моддалар бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддаларни мажбуран истеъмол қилдирган ҳолда уларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача микдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

в) бошқа шахсни гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга мажбурлаган ҳолда содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **345-модданинг бешинчи қисми** «127-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлардан кейин «127¹-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **381²-модда биринчи қисмининг 1-банди** «127-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлардан кейин «127¹-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **13-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий жавобгарликка тортилади»;

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат тартибини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

2) **164-модда**:
қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Энергетик ичимликларни ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилиш, –
фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;
олтинчи қисми еттинчи қисм деб ҳисоблансин;
3) **188-модданинг диспозициясидаги** «тиламчиликка» деган сўз чиқариб ташлансин;
4) қуйидаги мазмундаги **188³-модда** билан тўлдирилсин:

«**188³-модда. Тиланчилик қилиш**

Аэропортларда, вокзалларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, бозорларда ва савдо мажмуалари ҳудудларида, шунингдек уларга туташ ҳудудларда, автомототранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида, кўчаларда, стадионларда, бекатларда, йўлларнинг қатнов қисмида, моддий маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларда, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда сўраб, тиланчилик билан шуғулланиш, –
энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.
Вояга етмаган шахсларни, кекса ёшдаги шахсларни, руҳий касалликлари, ногиронлиги бўлган шахсларни ва бошқа шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шунингдек шахсларга алкоголли ичимликларни ёхуд гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп моддалар бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддаларни мажбуран истеъмол қилдирган ҳолда уларни тиланчилик қилишга жалб этиш, –
энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;
5) **190-модда**:
биринчи қисмининг санкциясидаги «бир бараваридан уч бараваригача» деган сўзлар «уч бараваридан етти бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;
6) **223-модда**:
учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Паспорт тизими қоидаларига риоя этиш учун масъул бўлган шахслар томонидан фуқароларнинг паспортсиз ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларсиз яшашига йўл қўйилиши, худди шунингдек фуқаролар томонидан ўз турар жойларида шахсларнинг паспортсиз ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларсиз, вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшашига йўл қўйилиши, –
энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;
тўртинчи қисмининг санкциясидаги «ўн беш» деган сўзлар «ўн» деган сўз билан алмаштирилсин;
қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Ўн саккиз ёшгача бўлган шахс ўн олти ёшга тўлиши муносабати билан ўз вақтида паспорт олмаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди»;
7) **223²-модда** чиқариб ташлансин;
8) **245-модданинг биринчи қисми** «188²» рақамидан кейин «188³» рақами билан тўлдирилсин;
9) **248-модда**:
биринчи қисмидаги «223²» рақами чиқариб ташлансин;
иккинчи қисмининг 1 ва **4-бандларидаги** «223²» рақами чиқариб ташлансин;
10) **287-модда биринчи қисмининг 1-банди** «188» рақамидан кейин «188³» рақами билан тўлдирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар; 2010 йил, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 677-модда) **80-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Агар ишга кираётган шахснинг паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжати ҳақиқий бўлмаса, уни ишга қабул қилиш рад этилиши мумкин».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган **«Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»**ги 483–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 239-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:
1) **2-модда** қуйидаги мазмундаги **ўн саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:
«**энергетик ичимликлар** – таркибида 150 мг/л.дан ортиқ миқдорда кофеин ва (ёки) инсон организмига тонусни ўзгартирувчи таъсир кўрсатиш учун етарли миқдордаги бошқа компонентлар мавжуд бўлган ичимликлар»;
2) **14-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Энергетик ичимликларнинг ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилинишига йўл қўйилмайди».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Реклама тўғрисида»**ги 723–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 14-модда; 2002 йил, № 9, 164-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 186-модда; 2010 йил, № 9, 339-модда, № 10, 380-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда) қуйидаги мазмундаги **22¹-модда** билан тўлдирилсин:

«**22¹-модда. Энергетик ичимликлар рекламаси**

Энергетик ичимликлар рекламасида бундай ичимликларни ҳаддан зиёд истеъмол қилишнинг зарари тўғрисидаги огоҳлантириш, шунингдек бундай ичимликларни истеъмол қилиш тавсия этилмайдиган шахслар ҳақидаги ахборот мавжуд бўлиши керак.

Энергетик ичимликлар рекламаси ичимликларни истеъмол қилиш жараёнларини намойиш этмаслиги, ушбу жараёнлар истеъмолчиларнинг ижтимоий ва спортга оид муваффақиятга эришиши ёки жисмоний ҳамда руҳий ҳолати яхшиланиши учун муҳим аҳамиятга эга деган таассуротни юзага келтирмаслиги керак.
Қуйидагилар тақиқланади:
соат 7-00 дан соат 22-00 га қадар энергетик ичимликларни телевидение ва радио орқали реклама қилиш;
реклама қилиш мақсадида энергетик ичимликлар намуналарини ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар орасида текин тарқатиш;
асосан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун мўлжалланган тадбирларга ҳомийлик қилиш, агар бунда энергетик ичимликларнинг номидан, товар белгисидан ёки тасвиридан фойдаланиладиган бўлса;
ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар орасида энергетик ичимликларнинг номи, товар белгиси ёки тасвири туширилган товарларни (футболкалар, бош кийимлар, ўйинларни ва шу кабиларни) тарқатиш, шу жумладан сотиш;
асосан болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган босма нашрларда, шунингдек тиббиёт, спорт ва таълим муассасаларида энергетик ичимликларни реклама қилиш».

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;
ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.
Ушбу Қонун 3-моддасининг 2-банди, 5 ва 6-моддалари мазкур Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 9 январь
№ ЎРҚ–514

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Белгилаб қўйилсинки, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш **“шахс — оила — маҳалла — таълим муассасаси — ташкилот — жамият”** принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилади.
4. Қуйидагилар:
Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;
Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини 2019 йилда самарали амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
Белгилаб қўйилсинки, вазирлик ва идоралар раҳбарлари Концепцияда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши учун шахсан жавобгар бўлади.
5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида мувофиқлаштирувчи давлат органи этиб белгилансин.
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:
ижрочилар ва аҳолини қонунчиликнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилишнинг сифатини тубдан ошириш, ушбу фаолиятни ташкил қилишда принципиал янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;
давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳуқуқий ахборотдан кенг кўламда фойдаланишини таъминлаш, уларнинг ушбу соҳада фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;
давлат органлари ва ташкилотлар томонидан ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича олиб борилган ишларни ўрганиш, шунингдек, уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлаш;
аҳолининг турли қатламлари, шу жумладан, тадбиркорлар ва ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
ижрочилар ва аҳолини қонунчиликнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилишнинг сифатини тубдан яхшилаш мақсадида кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш, таҳлил қилиш, ушбу соҳада ишларни янада такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқиш.
6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг:
Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ҳамда қўшимча ҳуқуқий маълумотлар (юридик луғат, ҳуқуқий адабиётлар электрон майдончаси, қонун ҳужжатлари лойиҳалари муҳокамаси бўйича онлайн форум ва бошқалар) етказиш тизимини ўз ичига оладиган Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқий интернет порталини яратиш;
аҳолига бепул маслаҳат бериш порталини ўз ичига олган Advice.uz ҳуқуқий ахборот тизимини яратиш;
умумтаълим мактаблари ва академик лицейларда ҳуқуқий билимларга доир ўқув машғулотлари кўламини янада кенгайтириш;
аҳолининг кундалик ҳаётида кўп учрайдиган ҳуқуқий масалалар юзасидан савол-жавоб тарзидаги қўлланмаларни тайёрлаш ва хонадонларга бепул тарқатиш;
аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган давлат органлари ва ташкилотлар ходимларига аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда кўрсатган хизматлари учун топшириладиган “Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълочиси” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда “Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълочиси” кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ҳукумат қарорини қабул қилсин.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, аҳолига қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини етказиш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича олиб бораётган фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини йўлга қўйиш тавсия этилсин.
9. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда мактабгача таълим муассасаларида “Бола ҳуқуқлари ва мажбуриятлари” мавзусидаги машғулотларни малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда кўргазмали тарзда тизимли жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.
10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда:
2019/2020 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий билимлари узлуксиз ва тизимли ошириб борилишини таъминлаш механизмини жорий этсин, шунингдек, ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган ўқув дастурларини тубдан қайта кўриб чиқилишини таъминласин;
2019 йил 1 мартга қадар ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, айниқса, уларнинг онгида коррупциянинг жамият ва мамлакат равнақи учун ўта салбий иллат эканлигини тарғиб қилишга қаратилган ўқув материаллари тайёрланишини ташкил қилсин;
ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича таълим муассасаларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишининг самарали механизмларини кенгайтириш чораларини кўрсин.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда таълим муассасаларида турли ҳуқуқбузарликлар, қоидабузарликлар, гиёҳвандлик ва бошқа салбий ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилишини ва уларнинг амалга оширилишини таъминласин.
12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:
2019 йил 1 июлга қадар Advice.uz ҳуқуқий ахборот тизимининг ишлаб чиқилишини ва ишга туширилишини таъминласин;
2020 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқий интернет портали яратилишини тўлиқ якунласин;
уч ой муддатда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига бепул ихтиёрий юридик ёрдам кўрсатиш (pro bono) тизимини ривожлантиришни назарда тутувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;
доимий равишда энг долзарб, аҳолини қизиқтирадиган масалаларни белгилаб, аниқ дастурлар асосида улар бўйича манзилли ва предметли ҳуқуқий тарғиботни амалга оширсин, ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш борасида аҳоли турли қатламларининг фикрларини ўрганиб, таҳлил қилиб борсин;
икки ой муддатда ёшидан келиб чиқиб ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражаси бўйича аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги даражасига қўйиладиган минимал талабларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;
бир ой муддатда маҳаллаларда фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида тизимли равишда амалга ошириладиган “Ҳуқуқий ахборот куни” лойиҳасини жорий этсин;
бир ой муддатда давлат органлари ва ташкилотларда ходимларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган бепул ҳуқуқий маслаҳат курсларини ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқсин;
жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳолати ҳамда бу соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини ўрганиш учун тадқиқотлар ва сўровлар ўтказиб борсин;
зарур ҳолларда, фуқаролик жамияти институтлари, илмий доиралар, хорижий экспертларни Концепция ва “Йўл харитаси”ни самарали амалга оширишда иштирок этишга, шунингдек, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш билан боғлиқ долзарб масалаларни муҳокама қилишга ва натижаси бўйича зарур чора-тадбирларни белгилашга кенг жалб қилсин;
Концепция ва “Йўл харитаси”нинг амалга оширилиши доирасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ўз вақтида ҳамда сифатли тайёрланиши, келишилиши ва киритилиши устидан мониторинг олиб борилишини таъминласин;
Концепция ва “Йўл харитаси”ни амалга ошириш жараёнининг самарали мувофиқлаштирилиши ва мониторинги, шунингдек, уларнинг ижроси тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига доимий равишда ахборот бериб борсин;
икки ой муддатда Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолашнинг кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.
13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Адлия вазирлиги бир ой муддатда ҳуқуқий мавзуларни тизимли ва таҳлилий ёритиб бориш ҳамда аҳолини қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашга доир телекўрсатувлар кўламини кенгайтириш чораларини кўрсин.
14. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги давлат илмий-техник дастурлари доирасида амалий илмий-техник лойиҳалар ва инновацион ишланмалар танловида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий, педагогик-психологик жиҳатларини илмий-амалий тадқиқ этишга оид мавзуларни мунтазам эълон қилиб борсин.
15. Белгилансинки, давлат бошқаруви органлари жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни тарғиб қилиш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш учун белгиланган тартибда нодавлат нотижорат ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан давлат ижтимоий буюртмасини бериши мумкин.
16. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мазкур Фармондан келиб чиқадиган ҳуқуқий-маърифий тадбирларни амалга оширишга қаратилган маблағларни ўзларининг харажатлар сметасида назарда тутиб борсин.
17. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси:
оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назоратини таъминлаш борасидаги ролини ошириш, бу борада уларнинг давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан алоқасини кучайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин;
Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмуни ва моҳиятини ҳамда унинг амалга оширилиши бўйича кенг тушунтириш ишларини оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғи орқали ёритилишини таъминласин.
18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.
19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 9 январь

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

ҚЎМИТАЛАР ЎТГАН ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИДАН ҚОНИҚДИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарининг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ташкил этаётган анжуманларида ўтган йили амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, истиқболдаги режалар хусусида фикр алмашилмоқда.

Чунончи, **Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси** томонидан 2018 йилда қонун ижодкорлиги йўналишида 10 та қонун устида иш олиб борилган. Шундан 6 таси қўмита аъзоларининг депутатлик ташаббуси асосида ишлаб чиқилган. “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Қонун — энг муҳимларидан бири. Депутатлар қайд этганидек, мазкур ҳужжат билан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг ваколат муддати икки ярим йилдан 3 йилга узайтирилди. Қолаверса, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришларини таъминлаш мақсадида ушбу сайловларда яширин овоз бериш тизими ўрнатилади.
Қўмита аъзолари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига 38 та депутат сўрови юборилган. Жисмоний ва юридик шахсларнинг 700 дан зиёд мурожаатлари кўриб чиқилган ҳамда аксариятининг ижобий ечим топишига эришилган.
Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси масъуллигида ўтган йилда ўнга яқин қонун лойиҳалари тайёрланган. Қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятининг сифат жиҳатидан натижадорлигини таъминлаш мақсадида жойларда қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган кўплаб тадбирлар ўтказилган.
Фуқароларнинг 600 га яқин мурожаатлари атрофлича кўриб чиқилган. Улардан 203 таси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига, 196 таси қонунчилик ва суд-ҳуқуқ, 42 таси ижтимоий ҳамда 116 таси таълим соҳаларига оиддир. Депутатлар фикрича, жисмоний ва юридик шахслардан тушаётган ариза, шикоят ҳамда мурожаатларнинг мазмунини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш шундан далолат берадики, суд-ҳуқуқ тизими мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг самарадорлигини ошириш борасида кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, айнан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг бузилиши масаласи долзарблигини йўқотгани йўқ.
Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ўз фаолиятида қонун ижодкорлиги самарадорлигини ошириш, тайёрланаётган қонун лойиҳалари сифатини яхшилаш, парламент назоратининг муҳим шакллари — парламент сўрови, депутатлик сўрови, парламент эшитувларини ўтказиш, соҳадаги қонун ҳужжатлари ва Давлат дастури ижросини назорат қилиш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратган.
Қўмита 15 та қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритган. Шулардан 4 таси бевосита қўмита аъзоларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида тайёрланган.
Депутатларнинг ўтган йилда саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарида бўлиб, мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечими юзасидан қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш амалиётини йўлга қўйгани эътиборга молик.
Фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишга ҳам жиддий аҳамият қаратилди. Аҳолининг 700 дан ортиқ мурожаатлари атрофлича кўриб чиқилиб, уларда кўтарилган масалаларни ҳал этиш учун тегишли давлат органлари, ташкилотлар, муассасалар ва мансабдор шахсларга юборилган.
Анжуманларда, шунингдек, айни пайтда кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳасида депутатларнинг якка тартибда, сиёсий партиялар фракциялари орқали илгари сурган таклифлари юзасидан ҳам маълумотлар берилди. Унда киритилаётган бир қатор қонун лойиҳаларининг аҳамиятли жиҳатларига тўхталиб ўтилди.

Зиёда АШУРОВА.

Қонун кучга кирди

АДЛИЯ МУТАСАДДИЛАРИНИНГ ҲИСОБОТИ СЕНАТДА ЭШИТИЛАДИ

Куни кеча матбуотда эълон қилинган “Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан 20 дан ортиқ қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Қонун билан айнан вакиллик органларининг ўрни ва аҳамиятини юксалтириш борасида қабул қилинган янги нормалар эътиборга молик.
Эндиликда адлия вазири давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати тўғрисида ҳар йили Сенатга ахборот тақдим этиши белгиланди.
Ушбу амалиёт бевосита ҳудудларда ҳам жорий этилиб, вилоят ва туман адлия идоралари раҳбарлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ахборот беради.
Демак, ҳудудий адлия бошқармалари бошлиқлари ҳар ярим йиллик якунлари бўйича тегишинча халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашларига жойлардаги норма ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади.
Ўз навбатида, вилоят Кенгаши ахборотни эшитиш якунлари бўйича қарор қабул қилади ва Адлия вазирлигига юборади.
Мазкур янги амалиёт сенатор ва депутатларда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати ҳақида аниқ ва кенгроқ тасаввур ҳосил бўлишига хизмат қилади. Бундан ташқари, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларига доир қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенгроқ тарғиб қилишда муҳим ўрин тутади.

Шарипжон ЮЛДОШЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ТЎЛОВ ИНТИЗОМИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Бугун мамлакатимизнинг деярли ҳар бир ҳудуди, ҳатто, олис қишлоқлар ҳам улкан саъй-ҳаракатлар эвазига обод қилинмоқда. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида минглаб хонадонларга узоқ йиллардан буён етиб бормаган ичимлик суви кириб боряпти. Электр ва газ таъминотидаги асоссиз узилишларга чек қўйилмоқда.

Албатта, бу борада ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Муаммолар ҳам кам эмас.
Кўпинча, аҳоли билан мулоқотларда, айниқса, кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчилар билан суҳбатларда коммунал хизматлар кўрсатишдаги камчиликлар ўртага ташланади. Одамлар бунинг учун масъул тузилмалар, корхоналар фаолиятига эътироз билдирмоқда.
Бироқ масаланинг бошқа томони, яъни тўлов интизоми билан боғлиқ муаммолар ҳам борки, улардан ҳам кўз юма олмаймиз.
Бу бўйича жуда кўп тарғибот ишлари олиб бориляпти. Лекин натижа кутилганидек эмас. Одамлар сув, газ, электр энергиясининг табиий ўлчови ва ижтимоий қийматини тўлиқ англаб етмаяпти.
Фақат қатъий қонунлар ва уларга асосланган одил таъсир чораларигина одамларда масъулиятни ошириши мумкин.
Тўловлар билан боғлиқ ана шундай вазият ва унинг самарали ечимини топиш мақсадида юқоридаги Қонун билан Уй-жой кодексига янги норма киритилди. Унга кўра, кўрсатилган коммунал хизматлар, хусусан, электр, газ, сув таъминоти ва канализация тўловларини тўлашда уй эгаси билан бирга ўша уйда прописка қилинган вояга етган шахслар ҳам биргаликда жавобгар саналади.
Қонун фуқароларда тўлов интизомининг кучайиши, тушумлар салмоғининг ошиши ва пировардида коммунал хизматлар сифатининг яхшиланишига хизмат қилади.

Энахон СИДДИҚОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2019 йил 10 январь

МЕДИА МАКОНДАГИ МУҲИМ ТУЗИЛМА

1

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази ташкил этилганига эндигина бир йил тўлган бўлса-да, шу қисқа вақтда фаолият қамровини кенгайтириб, кенг жамоатчиликка манзур келадиган, қизиқарли ва қолиплардан холи материалларни тақдим этиш услубини яратди. Пировардида марказ бугун бирор матбуот хизматига ўхшаш субъект ёки оммавий ахборот воситаси тури эмас, балки медиа макондаги жуда муҳим тузилма сифатида ном қозонмоқда. Унинг бугунги фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томон йўл олдик.

Бир вақтлар бу ерга одамлар минг бир ҳадик билан келган бўлса, ҳозир ундай ҳолатни кузатмайсиз. Аксинча, Ватан равнақига дахлдорлик ҳисси ила яшаётган турли соҳа вакилларининг Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази томон мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини шарҳлаш, интервью бериш учун ошиқаётганига гувоҳ бўласиз. Бизни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази директори, қатор йирик медиалойиҳалар муаллифи Бобур Алихонов кутиб олди.

Замонавий ёндашувнинг уч жиҳати

Шинам, қулай, замонавий жиҳозларга эга марказда иш қизғин. Кимдир студияда интервью олаётган бўлса, бошқа биров компьютерда навбатдаги кўрсатувнинг монтаж ишларини якунлаяпти. Қисқаси, ижодкорлар, техник ходимлар бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилмоқда.

— Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази иш фаолиятини йўлга қўйишда янгича қараш, илғор фикрлашга таянилди, — дейди Б. Алихонов. — Яъни креативлик, инновацион ҳамда прагматик ёндашув муҳим омил сифатида белгиланди. Марказга профессионал продюсер, муҳаррир, мухбир, оператор, техник ходимлар, умуман, журналистика соҳасидаги моҳир ижодкорлар ишга қабул қилинди. Амалдаги идоравий матбуот хизматларидан фарқли равишда ишлаш принципи ҳам ўзгарди. Фаолиятимизда умумманфаат устувор вазифа, деб қаралди. Чунки ўтган икки ярим йил ичида прокуратура тизимида олиб борилаётган янгиланишлар кенг жабҳани, ҳамма соҳани қамраб оляпти. Модомики, шундай экан, ислоҳотлар моҳиятини очиш ва оммага етказиш учун ишимизни кенг қамровда олиб боришга тўғри келди. Биз фақат прокуратура ёки ҳуқуқ-тартибот органлари билан чегараланиб қолмадик. Шунинг ҳисобига миллий медиа маконда муқим ўрнимизни эгалладик. Медиамаҳсулотимиз, аввало, сифатли бўлишига эътибор қаратамиз. Мисол учун, унинг турли телеканалларда эфирга бериладиган бошқа лавҳалардан ўзига хос, фарқли жиҳати бўлмаса, бундай материални беришнинг кераги йўқ, деб ҳисоблаймиз. Шу йўсинда марказнинг ўз услуби, йўналиши шакланди. Таҳлилий ва ранг-баранг лавҳалар, кўрсатувлар миллий медиа маконга яна бир янги ҳаво олиб кирди. Иш тажрибамизга ҳавас қилиб, бошқа идора ва ташкилотларда ҳам бизга ўхшаган медиа марказлар тузилаётгани ижобий ҳолатдир.

Марказ давлат муассасаси сифатида шакллантирилиб, унга Бош прокуратура бошқармаси мақоми берилган. У бошқа бошқармалар билан яқин ҳамкорликда фаолият юритади. Дейлик, ахборот ёки матбуот хизматлари фақат маълумот ёки янгилик бериш билан чекланса, Мультимедиа маркази асосий урғуни таҳлилга, мавзуларни экспертлар фикр-мулоҳазалари билан таққослаган ҳолда ёритишга қаратади. Зеро, унинг вазифаси замонавий технологиялар ҳамда услублардан фойдаланган ҳолда, ахборот-таҳлилий ва турли форматдаги медиаматериаллар, шу жумладан, телекўрсатувлар, видеошарҳлар, ижтимоий рекламалар, воқеа жойидан репортажлар тайёрлаш ҳамда эфирга, шунингдек, интернетга узатишдир.

Идоралар бюрократик усулдан воз кечяпти

Албатта, яхши, сифатли маҳсулотни бир ёки икки одамнинг меҳнати билангина тайёрлаш мушкул. Бунинг учун бутун жамоа аҳил-иноқ бўлиши зарур. Мультимедиа марказида ана шундай ижодий жамоа шаклланган. Қандай вазифа топширилмасин, у узоқ ёки қисқа муддатда бўладими, жамоа доимо сифатли маҳсулот тайёрлашга интилади. Бунинг асосий сабаби, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳамжиҳатлик ва изчил ҳамкорлик билан боғлиқ. Бирор масала туғиладиган бўлса, барча бир ёқадан бош чиқариб, “ақлий ҳужум” уюштирилади ва қисқа муддатларда қизиқарли репортаж, лавҳа, давра суҳбатларига қандай ёндашиш кераклиги ишлаб чиқилади. Бу жараёнда марказга Бош прокуратура раҳбарияти, мазкур тузилманинг барча бошқармаси, ҳудудий бўлинмалари яқиндан кўмак бериб келяпти.

— Яқин-яқингача аксарият идоралар ходимлари журналистларга ўз манфаати нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ахборот беришни истамасди, — дея сўзида давом этади Б. Алихонов. — Бугун замон ўзгарди. Тан олиш керак, ўша бюрократлашган, энг расмий саналган ташкилотлар ҳам анча-мунча очиқликка ўтди. Бу ҳақда сўз юритганда прокуратура тизимини алоҳида тилга олиш зарур. Бугун халқимиз прокуратурада ҳукм сураётган руҳ, бу ерда бўлаётган янгиланишлар, соҳа ходимлари дунёқарашидаги ўзгаришлар, одамлар дарди билан яшаш ва жамиятнинг корига хизмат қилиш деган муносабат нақадар юқори босқичга кўтарилаётгани гувоҳига айланмоқда. Ходимлар “Оддий инсонларга қандай кўмак берсам экан, жамиятга қандай наф келтирсам экан?!” деган тафаккур билан яшашяпти, меҳнат қилишмоқда. Нафақат прокуратура, балки бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг ишга муносабати, давлат ва жамиятдаги ўз ўрнини тўғри аниқлаб, равон юриши бўйича нуқтаи назари тамомила ўзгармоқда. Айни пайтда адолат посбони, ҳақиқат ҳамда одамлар ҳимоячиси бўлишдек тамойиллар ҳуқуқ-тартибот органлари вакилларининг чинакам ҳаётий мезонига айланиб бораётганини кузатиш мумкин. Масалан, олдинлари улар одамлар билан суҳбатлашганда ёки фуқароларни қабул қилганда, асосан, расмий гаплашган бўлса, эндиликда халқ билан сайёр учрашувларда, бевосита очиқ мулоқотларда, телекамера олдида самимий, оддий ва халқчил мулоқотга киришяпти. Ана шуларни биз ҳам аҳолига кўрсатишга ҳаракат қилаётганимиз муҳимдир. Яқинда Бош прокуратура ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси қошида Ахборот-маслаҳат мультимедиа маркази очилди. Бу ҳам бизнинг шуъбамиз, десак, бўлади. Ҳозир иккита марказнинг кучларини кенг кўламда кенгайтиряпмиз.

Ҳужжатлар моҳияти ҳаётий мисоллар орқали тушунтирилади

Ҳаммамизнинг ёдимизда: яқин-яқингача телеканалларимизда Президентнинг фармон ва қарорлари сухандон томонидан ўқиб берилар ҳамда шу билан чекланиларди. Лекин “Томошабин бундай муҳим ҳужжатларни қандай қабул қиляпти, қай даражада англамоқда, тушунмоқда?!” деган саволлар очиқ қоларди.

Маълумки, одамзод расмий услубдаги матнни тинглар экан, маълум дақиқалардан кейин мияси уни қабул қилмай қўяди. Бу табиий физиологик жараён. Шундай экан, ҳар қандай медиамаҳсулот, аввало, одамлар руҳияти, психологияси, ҳиссиётларига таъсир этиши лозим. Бинобарин, марказ шу каби муҳим ҳужжатлар шарҳини тайёрлашда айнан мазкур жиҳатларга, жумладан, нейролингвистик омилларга, компьютер графикасига, инфографик тасвирларга ҳам алоҳида эътибор қаратяпти.

Давлат раҳбари томонидан қабул қилинаётган ҳужжатлар моҳиятини халққа етказишда ҳаётий мисоллар, кундалик турмушимиздаги жараёнлар, ҳолатлар, тенденциялар, инсонлар тақдири ва фаолияти орқали, соҳа мутахассислари фикрини инобатга олиб, оддий, аммо матн мазмунини бойитадиган медиа шакллардан фойдаланишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бинобарин, ҳар қандай қонун, фармон ёки қарорнинг амалиётга тўғри жорий қилиниб, самарали ишлаши ҳамда ижро этилишида мана шундай ноанъанавий ва ўзига хос тарғибот усуллари ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Моҳиятни етказиш қанчалик самарали бўлса, амалда вазифаларни бажариш ҳамда шу йўлда жамиятни сафарбар қилиш шунча осон кечади. Бу борадаги телешарҳлар, медиаматериаллар “қотиб қолган” муайян қарашларни йўққа чиқариб, ўз кутилган натижасини бераётгани телетомошабинлар, умуман, кенг аудитория томонидан билдирилаётган ижобий фикрлар мисолида ўрганиб борилмоқда.

Кези келганда айтиш керак, Мультимедиа маркази расман 2018 йилнинг 8 январидан иш бошлаган бўлса, ўтган давр мобайнида ана шундай инновацион усулларда телевидение каналлари орқали шарҳлар, лавҳа ва репортажлар, кўрсатув ҳамда давра суҳбатлари, ижтимоий роликлар каби турли форматдаги 930 дан ортиқ медиамаҳсулотлар эфирга узатилди.

Хориждан репортажлар ва танқидий шарҳлар

Жаҳонгир Абдураҳмоновнинг телевидение орқали кўплаб таҳлилий шарҳларини кўрганмиз. Айни пайтда у Ахборот-таҳлил мультимедиа марказининг бош продюсери сифатида меҳнат қилмоқда.

— Марказ фаолиятидаги муҳим янгилик, бу — хориждан тайёрланаётган репортажлардир, — дейди у. — Президентимиз бирор чет мамлакатга ташриф буюрадиган бўлса, марказ ижодкорлари ўша ердан икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати, ўша давлат экспертларининг эксклюзив интервьюларини тайёрламоқда. Шу пайтгача АҚШ, Россия, Хитой, Корея Республикаси, Беларусь, Ҳиндистон, Тожикистондан узатилган репортажлар кенг таҳлилга бойлиги билан ажралиб туради.

Марказнинг мўъжаз тасвирга олиш студияси барча учун энг эркин медиа майдондир. Қандай муаммолар, камчиликлар, таклиф ва мулоҳазалар бўлса, бу ерга келувчилардан очиқ-ойдин гапириш сўралади. Чунки силлиққина усулда сўз айтиб кетишни томошабинга нисбатан ҳурматсизлик, деб биламиз. Танқидга тўғри муносабат, ахборотни беришда шаффоф фаолият юритиш прокуратура тизимининг муҳим мезонига айланди. Мисол учун, Бош прокуратуранинг расмий сайтида ҳар қандай шов-шувли жиноий ишлар, фавқулодда ҳодисалар юзасидан ўз вақтида матбуот хизмати жавоб беряпти. Бу сайтда ҳам акс этади. Бизнинг вазифамиз муаммонинг сабабларини кўрсатиш, унга қонуний баҳо бериш ва хулосада ечимни таклиф этишдан иборат. Мана, яқинда хорижий инвесторларнинг Ўзбекистонга келиб, қийналиб юргани ҳақидаги лавҳа намойиш этилди. Эрон, Корея Республикаси, Туркиядан келган ишбилармонларга бўлаётган бюрократик тўсиқлар ҳақида очиқ-ойдин ҳикоя қилинган ушбу репортаж юртимизга сармоядорлар келишига янада катта туртки бериши, шубҳасиз.

Навбат — фильмларга

Бобур Алихоновнинг айтишича, яқин вақтлар ичида марказ нафақат журналистик материаллар, шу билан бирга, ҳужжатли, бадиий фильмларни олишни режалаштиряпти. Ҳадемай катта жиноий ишларга бағишланган “Бир жиноят изидан” деб номланган ҳужжатли фильмлар эфирга берилади. Уларнинг дастлабкисини шу ойда намойиш этиш режалаштирилган. Бундан ташқари, “Ўзбеккино” билан ҳамкорликда детектив жанрдаги бадиий сериал ва “Мутлақ ёвузлик” деб номланган бадиий фильмни суратга олиш кўзда тутилган.

Айни пайтда 70 дан зиёд рукнларда кўрсатувлар телевидение учун тайёрлаб бериляпти. Улар орасида “Фактология” деб номланган лавҳа ажралиб туради. Бунда, асосан, рақамлар сўзлайди, томошабин ҳеч қандай шарҳга эҳтиёж сезмайди.

Илғор техникаларнинг ҳаммасидан бор

Масканнинг техник имкониятлари билан яқиндан таништиришда бош оператор Рустам Шораҳимов бизга ҳамроҳлик қилди.

— Марказнинг моддий-техника базаси мустаҳкам, — дейди у. — Бу ерда LED-экранлар, камералар, ёритиш, овоз беришнинг ягона инновацион тизими кўп функционаллик хусусиятларини ўзида уйғунлаштирган. Давлатимиз раҳбари қарорига мувофиқ, телевизион ускуналар жамламаси, хусусан, турли эффектлар берадиган тасвирга олиш, компьютер, дастурий таъминот, алоқа ҳамда бошқа техника воситалари, рақамли ускуналар, транспорт, учувчисиз парвоз қиладиган тасвирга олиш аппаратлари (дронлар) олинди. Интернетдан кенг фойдаланиш шароитлари яратилган. Буларнинг барчаси АКТни оқилона қўллаш, ишга тезкор ва самарали ёндашиш имкониятини беряпти.

Кўриниб турибдики, бу ерда ишлайдиган мутахассислар етук, исталган вазифани қисқа муддатда сифатли бажара олиш салоҳиятига эга. Шунга яраша ходимларнинг моддий-маиший аҳволини мунтазам ошириб бориш, уларни ижодий рағбатлантириш ҳам Бош прокуратура раҳбариятининг доимий диққат-эътиборидадир.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Муносабат

ЭКСПЕРТЛАР ҚАНДАЙ ФИКРДА?

Содиқ САФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари:

— Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази мамлакатда бугунги замонавий янгиланишлар даврида пайдо бўлган муҳим тузилма саналади. Буни ўтган қисқа вақт ичида марказ тайёрлаётган медиамаҳсулотлар ва уларнинг томошабинларга манзур бўлаётгани ҳам яққол тасдиқлайди.

Мен марказнинг ўзига хос икки жиҳати ҳақида айтиб ўтмоқчиман. Яхши биласиз, Ўзбекистон ташқи сиёсатда мамлакатлар, сиёсий институтлар билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйишга дадил интиляпти. Буни Президентимизнинг 2018 йилнинг ўзида ўндан зиёд давлатларга турли даражадаги ташриф билан боргани мисолида кўришимиз мумкин. Мультимедиа маркази эса ана шу сафарлар олдидан ўша мамлакатлардан ташрифларнинг аҳамияти, икки томонлама муносабатларнинг истиқболи ҳақида кўплаб қизиқарли лавҳалар уюштиряпти.

Яна бир муҳим жиҳати, Ўзбекистонга хорижий инвесторларни жалб этиш жараёнига қўшаётган ҳиссасидир. Мамлакатимизга келиб, турли бюрократик тўсиқларга учраётган чет эллик сармоядорлар ҳақида тайёрланаётган репортажлар долзарблиги билан ажралиб туради. Ана шу лавҳалар туфайли мавжуд муаммоларга самарали ечим топилмоқда ва бу чет элликларда ишонч ҳиссини кучайтиряпти.

Шерзод ҚУДРАТХЎЖАЕВ,
Халқаро пресс-клуб раиси:

— Бизнинг ахборот маконида Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа марказига эҳтиёж сезилаётган эди. Бу маскан битта муҳим бўшлиқни тўлдирди. Яъни ҳуқуқий ислоҳотлар даврида қонун, фармон, қарорларни шарҳлашда таҳлилий журналистика кириб келди. Одамларга мураккаб бўлган ҳужжатлар сўзларини, умуман, “канцеляризм” жумлаларни оддий тарзда тушунтиришда марказнинг роли катта бўляпти.

Яна бир эътиборга молик томони, бу ерда фаолият юритаётган ижодкорлар ўз ишига доимо креатив ёндашади. Кўплаб ахборотлар тарқатилаётган бир пайтда, қолаверса, ҳамманинг қўлида “пульт” бўлган жараёнда эътиборни жалб қила билиш учун ҳам ижодий маҳорат талаб этилади. Шу нуқтаи назардан, креативлик, замонавийлик бу ижодкорларни бошқалардан фарқлаб туради.

ТОМОШАБИНЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Маҳбуба ТЎРАЕВА,
ўқитувчи (Жиззах вилояти):

— Дунёда ва юртимизда рўй бераётган ахборотлардан хабардор бўлишимиз учун ҳар биримиз, қайси соҳа вакили эканимиздан қатъи назар, мунтазам оммавий ахборот воситаларини кузатиб борамиз. Бусиз замондан орқада қолиб кетамиз. Айниқса, мамлакатимизда рўй бераётган янгиланишлар ҳақида ўз вақтида ва атрофлича хабардор бўлишга интиламиз. Чунки ислоҳотлар жуда шиддатли кечяпти.

Сир эмас, илгари давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган ҳужжатлар матни телевидение орқали қандай бўлса, шундайлигича ўқиб бериларди. Ўша ҳужжат қандай имкониятлар яратади, нима янгиликлар бўлади, бунга деярли шарҳ берилмасди. Энди бошқача ёндашиляпти. Яъни Юртбошимиз фармон, қарор ёки фармойишга имзо чекса, ўша куниёқ унинг шарҳи берилмоқда. Ҳужжатлар моҳияти юзаки эмас, содда ва халқчил тилда тушунтирилаётгани, турли графикалар тақдим этилаётгани бизга маъқул келаётир.

Раъно ТЎХТАХЎЖАЕВА,
маҳалла фаоли (Тошкент вилояти):

— Янгиликлар, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан фош этилган жиноятлар ҳақидаги кўрсатувларни катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Нега деганда, бугун ахборотларнинг ҳам, кўрсатувларнинг ҳам шакл-шамойили, усули ўзгариб бормоқда. Ҳуқуқий ҳужжатларнинг шарҳи ҳақида ҳам яхши фикрдаман. Тили, услуби, ёндашуви ўзига хос. Соҳа мутахассисларининг интервьюлари берилаётгани ҳам ҳар бир масала моҳиятини атрофлича тушунишимизга имкон яратяпти.

Қолаверса, порахўрлик, унинг аянчли оқибатлари ҳақида тақдим этилаётган лавҳалар одамларни огоҳликка чорлаши билан муҳим, деб ўйлайман. Шарҳлар, маълум бир соҳадаги муаммолар таҳлили ва коррупцияга оид кўрсатувлар мунтазам бериб борилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Комил ИМОМОВ,
тадбиркор (Бухоро вилояти):

— Бугун тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга оид кетма-кет ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилиняпти. Буни телевидение, газеталар орқали кузатиб бормоқдамиз.

Ўзим бизнес вакили бўлганим учунми, ҳеч бир янгиликни эътибордан четда қолдирмай дейман. Бош прокуратура ҳузурида Мультимедиа маркази иш бошлаганидан хабарим бор. Марказ ходимлари томонидан тайёрланиб, эфирга узатилаётган кўрсатувларни дарров ажратиб оламан. Чунки улар ўз ишининг профессионали, мавзуга ўта масъулият билан ёндашадиган ходимлар. Бу яққол сезилиб туради.

Кўрсатувлари аудиторияни ўзига жалб қила олади. Оддий халққа тушунарли бўлиши учун инфографикалардан унумли фойдаланади. Уларнинг ютуғи ҳам аслида шунда. Чунки рақамлар инфографикаси асосида уларни тез илғаб олиш мумкин. Доим шу тарзда давом этса, ишончим комилки, марказ фаолияти бундан-да, ривожланади.

«Халқ сўзи» мухбири
Раҳим ШЕРҚУЛОВ ёзиб олди.

ИНВЕСТИЦИЯ ЖУДА КЎП ЭЗГУ ТАШАББУСЛАРГА ТУРТКИ БЕРАДИ

Бугун жаҳон иқтисодиётида инвестиция учун ижобий маънода кураш кетяпти. Ҳатто дунёнинг ривожланган давлатлари кўплаб мамлакатларга сармоя киритиш баробарида, ўз иқтисодиётига инвестиция жалб қилиш ҳаракатини сусайтиргани йўқ. Сабаби, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар барқарор иқтисодиёт гаровидир. У янги қувватларни ишга тушириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, саноат рақобатдошлигига эришишнинг бош омили ҳисобланади.

XALQARO PRESS KLUB

Бу жараёнда Ўзбекистоннинг иштироки қай даражада? Инвестициявий жозибадорликни ошириш учун қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда? Чет эллик инвесторларни жалб қилишда қандай муаммолар бор?

Халқаро пресс-клубнинг "Инвестиция — иқтисодиёт драйвери, унинг юраги: ислоҳотлар, муҳим вазифалар ва муаммолар таҳлили" мавзуидаги мажлисида шу каби долзарб саволларга жавоб изланди.

Эътироф этилганидек, кейинги икки йилда Ўзбекистонда инвестицияларни жалб қилиш борасида тамомила янги ва самарали механизмлар қўлланилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2019 йилга "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб ном берилгани ушбу йўналишдаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Натижада жорий йилда 2018 йилдагига нисбатан 16 фоиз кўп сармоя ўзлаштирилиши кутилмоқда. Аниқроғи, 2019 йилги Инвестиция дастурига 16,6 миллиард долларлик 3 мингдан зиёд лойиҳалар киритилган.

Кўриниб турибдики, мақсад аниқ, вазифалар эса улкан. Уларнинг тўлиқ ижросини таъминлаш учун нима қилиш керак?

— 2019 йилда 320 та лойиҳа доирасида 4,2 миллиард долларлик тўғридан-тўғри чет эл сармоялари ўзлаштирилиши белгиланди, — дейди Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Илҳом Неъматов. — Очиғи, марра катта, лекин уни эгаллаш мумкин. Бунинг учун эса аниқ ва пишиқ-пухта лойиҳалар ишлаб чиқиш талаб этилади. Юртимизда бу борада изчил ишлар олиб борилаётгани туфайли хорижий инвесторларнинг қизиқиши ортмоқда. Хусусан, бу йил Россия, Хитой, Жанубий Корея, Малайзия, Буюк Британия ва Польша давлатлари иштирокида йирик лойиҳалар амалга оширилиши кутиляпти.

Соҳа мутахассислари инвестицияни иқтисодиётнинг двигатели, дея таърифлашади. Чунки сармоясиз тараққиёт бўлмайди. У билан бирга инновациялар, янги технологиялар кириб келади, одамларнинг дунёқараши ўзгаришига туртки бўлади. Шу боис Ўзбекистонда қулай инвестиция муҳитини яратиш ва уни янада яхшилаш энг устувор вазифалардан бирига айланди. Натижада муайян ютуқларга эришиляпти. Шу билан бирга, инвесторларни жалб этиш, бизнес юритишда тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам йўқ эмас.

Тадбир иштирокчилари айни шу масала ҳақида сўз кетганда, тадбиркорлик субъектлари учун ер майдонлари ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, электр энергияси ва табиий газ таъминотида юзага келаётган турли оворагарчиликларни санаб ўтишди. Бу борадаги реал ҳолат, муаммо ва камчиликларни бартараф этиш учун олиб борилаётган ишлар ҳақида соҳа мутасаддиларининг фикр-мулоҳазалари билан танишдилар.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИНИНГ ЖАСОРАТИ ЁШЛАРГА ИБРАТ

Жиззах вилоятидаги Гандумтош қишлоғида "Мардлар қўриқлайди Ватанни!" шиори остида фестиваль ташкил этилди. 10 мингга яқин ёшлар қатнашган тадбир доирасида Жалолиддин Мангубердининг Чингизхонга қарши ўтказган жангларидан парчалар саҳналаштирилди.

Марказий ҳарбий округ қўмондонлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамкорлигида уюштирилган фестивалда аждодларимизнинг мардонавор кураши мозийга саёҳат руҳида кўргазмали тарзда очиб берилди.

Замонавий ҳарбий техника, қурол-аслаҳалар намойиши, ҳарбий оркестр ва бадиий ҳаваскорлик гуруҳларининг концерт дастури, "Темурийлар издоши" мактаби тарбияланувчилари, ҳарбий хизматчилар, кинология ва кавалерия қўшинларининг кўргазмали чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди.

Фестиваль давомида миллий спорт ўйинларидан бири — кўпкари ташкил этилди. Фаол қатнашган чавандозлар муносиб рағбатлантирилди.

Толибжон ЭРГАШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ

Шу кунларда Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича Осиё кубоги беллашувлари бўлиб ўтмоқда.

Осиё кубоги – 2019

Мусобақада Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам иштирок этмоқда.

Эктор Купер шогирдлари "F" гуруҳида Ўмон, Туркманистон ва Япония терма жамоаларига қарши баҳс олиб боради.

Кеча футболчиларимиз гуруҳ босқичининг биринчи учрашувини Шаржа шаҳридаги "Sharjah Stadium" стадионида Ўмон терма жамоасига қарши ўтказишди. Ўйинда ҳисобни вакилларимиз очишди. Беллашувнинг 34-дақиқасида Одил Аҳмедов жарима тўпини аниқ бажарди.

Ўйиннинг 72-дақиқасида эса Муҳсин Ал-Гассани ҳисобни тенглаштирди. Учрашув якунланишига саноқли дақиқалар қолганда захирадан майдонга тушган Элдор Шомуродов жамоамизга ғалаба келтирган голга муаллифлик қилди: Ўзбекистон — Ўмон 2:1.

Мазкур гуруҳдаги Япония — Туркманистон баҳсида 3:2 ҳисобида япониялик футболчилар иродали ғалабага эришди.

Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳдаги иккинчи беллашувни 13 январь куни Туркманистон терма жамоасига қарши ўтказади. Ўйин Тошкент вақти билан соат 21:00 да бошланади.

Фазлиддин АБИЛОВ.

ЭЪЛОНЛАР

Диққат!

БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН, ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳамда «Ўзагросервис» акциядорлик жамияти тизимидаги вилоят «Агросервис МТП» МЧЖларнинг «Туман Агросервис МТП» МЧЖлар устав фондидаги улушларининг сотуви бўйича «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг вилоятлардаги филиаллари очиқ танлов савдоларига таклиф этади.

1. «Namangan mulk markazi» МЧЖ томонидан танлов савдосига чиқарилган улушлар:
Танлов савдосига Наманган вилояти, Чортоқ шаҳри, М. Юлдашев кўчаси, 2-уйда жойлашган, «Чортоқ тумани, Агросервис МТП» МЧЖ устав фондининг 100 фоиз улуши қўйилмоқда.
● ***Бошланғич баҳоси — 8 795 200 886 сўм.***
Танлов савдосига Наманган вилояти, Косонсой тумани, Косонсой шаҳри, М. Аъзам кўчаси, 153-уйда жойлашган, «Косонсой тумани Агросервис МТП» МЧЖ устав фондининг 100 фоиз улуши қўйилмоқда.
● ***Бошланғич баҳоси — 4 313 114 481 сўм.***
«Чортоқ тумани Агросервис МТП» МЧЖ ва «Косонсой тумани Агросервис МТП» МЧЖнинг устав фондидаги улушлари.
Танлов куни 2019 йил 22 январь, шу куни таклифлар тушмаган тақдирда, такрорий танловлар 5, 19 февраль ва 6 март кунлари соат 11.00 да Наманган вилояти ҳокимлигининг мажлислар залида ўтказилади.
Мурожаат учун «Namangan mulk markazi» МЧЖнинг манзили: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Банк реквизитлари: «InfinBANK» АТБ, ҳ/р: 22604000104941534002, МФО: 01113, СТИР: 302127947.
Тел./факс: 71-227-93-34, 94-504-50-70. Электрон почта манзили: user 08 @ inbox.uz

2. «Xorazm mulk markazi» МЧЖ томонидан танлов савдосига чиқарилган улушлар:
Танлов савдосига Хоразм вилояти, Қўшкўпир шаҳарчаси, Шароф Рашидов кўчаси, 43-уйда жойлашган, «Qo'shko'pir МТР» МЧЖ устав фондининг 68,288 фоиз улуши қўйилмоқда.
● ***Бошланғич баҳоси — 5 283 956 000 сўм.***
Танлов савдосига Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани, Шароф Рашидов кўчаси, 72-уйда жойлашган «Xazarasp МТР» МЧЖ устав фондининг 63 фоиз улуши қўйилмоқда.
● ***Бошланғич баҳоси — 2 770 000 000 сўм.***
«Qo'shko'pir МТР» МЧЖ ва «Xazarasp МТР» МЧЖ устав фондидаги улушларнинг танлови куни 2019 йил 11 январь, шу куни таклифлар тушмаган тақдирда, такрорий танловлар 28 январь, 12 ва 26 февраль ҳамда 12 март кунлари соат 11.00 да «Xorazm mulk markazi» МЧЖда ўтказилади.
Мурожаат учун «Xorazm mulk markazi» МЧЖнинг манзили: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уй. Банк реквизитлари: «Ипотека-банк» АТИБ «Тинчлик» филиали, ҳ/р: 20208000704940971001, МФО: 00580, СТИР: 302126315.
Тел./факс: 62-228-10-82.

3. «Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ томонидан танлов савдосига чиқарилган улушлар:
Танловга «Сурхондарё Агросервис МТП» МЧЖнинг Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, «Оқжар» ҚФЙ, «Боғаро» МФЙда жойлашган, «Қумқўрғон Агросервис МТП 2017» МЧЖнинг устав фондидаги 100 фоиз улуши 2018 йил 28 ноябрдаги 10/2-сонли буюртманомасига асосан қўйилмоқда.
● ***Бошланғич баҳоси — 7 152 069 598 сўм.***
«Қумқўрғон Агросервис МТП 2017» МЧЖнинг танлов куни 2019 йил 12 январь, шу куни таклифлар тушмаган тақдирда, такрорий танловлар 26 январь ва 9, 23 февраль кунлари соат 11.00 да Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг мажлислар залида ўтказилади.
Танловга Денов тумани, «Юрчи» МФЙда жойлашган, «Denov Agroservis va integrallashgan servis markazi МТР» МЧЖнинг устав фондидаги 100 фоиз улуши қўйилмоқда.
● ***Бошланғич баҳоси — 8 535 455 500 сўм.***
«Denov Agroservis va integrallashgan servis markazi МТР» МЧЖнинг танлов куни 2019 йил 12 февраль, шу куни таклифлар тушмаган тақдирда, такрорий танловлар 27 февраль, 14 ва 29 март, 17 апрель кунлари соат 11.00 да Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг мажлислар залида ўтказилади.
Мурожаат учун «Surxondaryo mulk markazi» МЧЖнинг манзили: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 19-уй. Банк реквизитлари: «Трастбанк» ХАБ Термиз филиали, ҳ/р: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729.
Тел.: 76-223-15-82. электрон почта манзили: user100@inbox.uz

4. «Andijon mulk markazi» МЧЖ томонидан танлов савдоларига чиқарилган улушлар:
Танлов савдосига Андижон вилояти, Асака тумани, «Қужган» ҚФЙ, «Қужган» МФЙ манзилида жойлашган, «Асака Агросервис МТП» МЧЖ устав фондининг 100 фоиз улуши қўйилмоқда.
● ***Бошланғич баҳоси — 3 098 069 290 сўм.***
«Асака Агросервис МТП» МЧЖ устав фондидаги улушнинг танлов куни 2019 йил 15 январь, шу куни таклифлар тушмаган тақдирда, такрорий танловлар 30 январь, 14 ва 28 февраль кунлари соат 11.00 да Хўжаобод тумани ҳокимлигининг мажлислар залида ўтказилади.
Танловга Андижон вилояти, Хўжаобод тумани, Само кўчасида жойлашган, «Хўжаобод Агросервис МТП» МЧЖ устав фондининг 100 фоиз улуши қўйилмоқда.
● ***Бошланғич баҳоси — 2 955 227 326 сўм.***
«Хўжаобод Агросервис МТП» МЧЖнинг танлов куни 2019 йил 12 январь, шу куни таклифлар тушмаган тақдирда, такрорий танловлар 28 январь, 12, 26 февраль ва 12 март кунлари соат 11.00 да Хўжаобод тумани ҳокимлигининг мажлислар залида ўтказилади.
Мурожаат учун «Andijon mulk markazi» МЧЖнинг манзили: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 71-уй. Банк реквизитлари: «Савдогар» АТБ ҳ/р: 20208000304941156002, МФО: 00081, СТИР: 302126734.
Маълумот учун телефон: 74-223-08-52. Электрон почта манзили: andkms@ inbox.uz

5. «Respublika mulk markazi» МЧЖ «Poytaxt filiali» томонидан танлов савдосига чиқарилган улушлар:
Танлов савдосига Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Қорахитой» ҚФЙ, «Ёнариқ» МФЙда жойлашган, «Оҳангарон Агросервис МТП» МЧЖ устав фондининг 100 фоиз улуши қўйилмоқда.
● ***Бошланғич баҳоси — 5 476 029 000 сўм.***
Танлов савдосига Тошкент вилояти, Паркент тумани, «Истиқбол» МФЙ, Кесканжар кўчасида жойлашган, «Паркент Агросервис МТП» МЧЖ устав фондининг 100 фоиз улуши қўйилмоқда.
● ***Бошланғич баҳоси — 3 536 983 000 сўм.***
«Оҳангарон Агросервис МТП» ва «Паркент Агросервис МТП» МЧЖларининг танлов куни 2019 йил 29 январь, шу куни таклифлар тушмаган тақдирда, такрорий танловлар 12, 26 февраль ва 12, 26 март кунлари соат 11.00 да Тошкент вилояти ҳокимлигининг мажлислар залида ўтказилади.
Мурожаат учун «Respublika mulk markazi» МЧЖ «Poytaxt filiali»нинг манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Банк реквизитлари: «Даврбанк» ХАТБ Яккасарой филиали, ҳ/р: 20208000000571452002, МФО: 01069, СТИР: 200933850.
Маълумот учун тел./факс: 71-227-91-82, электрон почта манзили: user01@inbox.uz

Танлов савдосининг асосий шартлари:
1. Танловда Республика резидентлари (якка тартибдаги ва юридик шахс сифатида фаолият юритувчи тадбиркорлар ва ишбилармонлар) ёки норезидентлари (чет эллик тадбиркорлар ёки уларнинг вакиллари) иштирок этишлари мумкин.
2. Танлов савдоларида иштирок этувчи талабгорлар улуш бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини танловда эълон қилинган ҳисоб рақамга тушириши керак.
3. Танловда қатнашиш истагидаги талабгор ёки унинг ваколатли вакили савдолар ташкилотчисига очиқ танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда шахсан ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:
— юридик шахслар учун — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, шунингдек, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилиниши лозим;
— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилиниши керак.
4. Танлов иштирокчиси ўз бизнес режасида қуйидагиларни ёритиши зарур:
— машина-трактор паркининг асосий фаолияти (механизация ва сервис хизмати кўрсатиш) турини икки йил ичида ўзгартирмасдан, узлуксиз самарали ишлашини таъминлаш, хизматлар рўйхатини кенгайтириш, жумладан, юк ва енгил автотранспорт воситаларига ҳамда техниканинг бошқа турларига сервис хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш;
— мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва кенгайтириш;
— машина-трактор паркининг мавжуд ишлаб чиқариш потенциалини модернизация қилиш, замонавий дастгоҳ (станок) ва ускуналар сотиб олиш ҳисобига сервис хизматлари турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, жами киритиладиган инвестиция бўйича таклиф беради;
— жамиятдаги бўш ер майдонлари, мавжуд бино ва иншоотларда тадбиркорликнинг бошқа фаолиятини йўлга қўйиш бўйича аниқ таклифлар, қўшимча инвестиция киритиш бўйича таклифлар, натижада барпо қилинадиган қўшимча иш ўринлари;
— улушнинг бошланғич бозор баҳосидан кам бўлмаган миқдорда энг юқори сотиб олиш қийматини таклиф қилиш;
— сотиб олиш қийматини энг қисқа муддатда тўлаш бўйича таклифлар;
— машина-трактор парки ишчи-хизматчиларининг иш ҳақидан бўлган қарздорликни биринчи навбатда сўндириш бўйича таклифлар;
— иштирокчининг бошқа таклифлари ва уларнинг самарадорлиги.
Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варағи талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.
Танлов савдо натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 банк иш кунидан кечикмай сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузилади.
Танлов савдоларига таклифларини қабул қилиш танловдан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.
Талабгорлар улуш бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини (ариза-буюртманома топширилгунига қадар) савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига тўлашлари лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Маълумот учун телефон: 71-227-91-82,
веб-сайт: www.rmm.uz электрон почта манзили: user01@inbox.uz

Савдоларга марҳамат қилинг!

Гувоҳнома: 001580.

24J/146

«Фарғонагаз» филиали

Аҳоли ва улгуржи табиий газ истеъмолчилари билан табиий газ етказиб бериш шартномаларини расмийлаштириш бўйича улгуржи истеъмолчиларга 8 000 дона ҳамда аҳоли истеъмолчилари учун 570 000 дона шартнома бланкаларни тайёрлаш бўйича танлов эълон қилади;

Юқоридаги фаолият тури билан шуғулланувчи, махсус лицензия ва гувоҳномага эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлардан тижорат таклифлари қабул қилинади.

Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 76-уй. Телефон: 73-229-04-36.

«Фарғонагаз» филиали маъмурияти.

26R/

«Фарғонагаз» филиали

томонидан «Фарғонагаз» филиалидаги мавжуд «ISUZU» русумли махсус автотранспорт воситаларини муқобил ёқилғи тури (метан)га қайта жиҳозлаш бўйича ушбу фаолият тури билан шуғулланувчи, махсус лицензия ва гувоҳномага эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлардан 5 кун муддат ичида тижорат таклифлари қабул қилинади.

Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 76-уй. Телефон: 73-229-04-36.

«Фарғонагаз» филиали маъмурияти.

27R/

Барча кредиторлар диққатига!

«AVTOSANOAT AGROTEXSERVIC»

масъулияти чекланган жамияти иштирокчиларининг 2019 йил 5 январда бўлиб ўтган навбатдан ташқари йиғилиши қарори билан, ушбу жамият «Ўзагросервис» акциядорлик жамиятига қўшиш шаклида қайта ташкил этилмоқда.

«Ўзагросервис» АЖ «AVTOSANOAT AGROTEXSERVIC» масъулияти чекланган жамиятининг ҳуқуқий вориси бўлиб, унинг барча мажбуриятларини, мол-мулкини, олди-берди қарзларини ўз зиммасига олади.

Барча даъво ва эътирозлар қонунчиликда белгиланган муддатда солиштирма далолатнома асосида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 44-уй.
Телефонлар: 71-244-53-73, 97-428-74-75.

29J/16

"O'ztranssanoat" республика уюшмаси жамоаси "O'ztranslizing" унитар корхонаси бош директори Каримулла Хашимовга волидаи муҳтарамаси

МАТЛУБА онанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суд судьяси Акром Утаевга онаси

ЗАЙНАБ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2019 йил 10 январь

солиқ юкини камайтириш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш, «яширин» иқтисодиётга барҳам беришга хизмат қилади

Савол: *Янги солиқ кодексида ҳаёт суғуртасига ўтказилган ёки ёш оилалар учун олинган ипотека кредитини сўндиришга йўналтирилган маблағлар даромад солиғига тортиладими?*

Баҳром БУРҲОНИДДИНОВ.

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 декабрдаги 508-сонли Қонуни билан Солиқ кодексининг бир қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишига қарамасдан, жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари келтирилган 179-моддага ўзгартишлар киритилмади. 2018 йилда амалда бўлган барча имтиёзлар ўз кучида қолди. Жумладан, ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари тўловига, ёш оила аъзолари томонидан якка тартибда уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жой қуриш учун олинган ипотека кредитлари ва фоизларни қоплашга йўналтириладиган даромадларга нисбатан **солиқ имтиёзи сақлаб қолинди**. Яъни мазкур даромадлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилмайди.

Мисол учун, агар ходимга 2019 йилнинг февраль ойида 2 миллион 500 минг сўм иш ҳақи ҳисобланса-ю, ундан 1 миллион сўми ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари тўловига ҳамда 500 минг сўми ёш оила аъзолари томонидан якка тартибда уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олишга йўналтирилса, фақат **1 миллион 500 минг сўмдан** (2 500 — 1 000) **12 фоизли ставка бўйича 180 минг сўм** даромад солиғи ушлаб қолинади.

Савол: *Фарзандларимиз олий ўқув юртида тўлов-шартнома асосида ўқийди. Ҳар йили иш ҳақимизнинг контракт тўловига ўтказилган қисмидан солиқ олинмасди. 2019 йилда ҳам бу имтиёз сақлаб қолинадими?*

М. УСМОНОВА.

Жавоб: Солиқ кодексининг 179-моддаси билан белгиланган фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг Ўзбекистон Республикаси **олий ўқув юртларида таълим олиш учун** (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) **йўналтириладиган суммаларига нисбатан имтиёз сақлаб қолинди**. Яъни ушбу мақсад учун иш ҳақингиздан йўналтирилган маблағлардан фаолият кўрсатаётган иш жойингизга тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этсангиз, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ушлаб қолинмайди.

Бундан ташқари, ўзингиз томонингиздан тўғридан-тўғри тўланган маблағлар бўйича (нақд пулда ёки пластик карта орқали) солиқ чегирмасини ихтиёрий равишда декларация тақдим этган ҳолда қайтариб олишингиз мумкин. Мисол учун, агар сизга 2019 йилнинг февраль ойида 2 миллион сўм иш ҳақи ҳисобланса ва 1 миллион сўм олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтирилса, фақат **1 миллион сўмдан** (2 000 — 1 000) **12 фоизли ставка бўйича 120 минг сўм** даромад солиғи тўлайсиз, холос.

Савол: *2019 йилда томорқа эгалари учун қандай солиқ ставкаси кўзда тутилмоқда?*

Тўланбой ТУРСУНОВ.
Наманган

Жавоб: Томорқа ерлар учун солиқ суммаси томорқа ер жойлашган жойига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги 4086-сонли қарорига асосан, **2019 йилда томорқа ер учун солиқ ставкаси ўтган йилдагига нисбатан 1,2 коэффициент оширилган.**

Масалан, 2019 йилда жисмоний шахслар учун ажратилган ернинг 1 квадрат метри учун Наманган шаҳрида 225 сўм, Наманган вилоятининг бошқа шаҳарларида 133,6 сўм, Наманган вилоятининг туман марказларида 116 сўм, Наманган вилоятининг қишлоқ жойларида: аҳоли пунктларида 75 сўм, аҳоли яшамайдиган пунктларида 37,5 сўм, лалми жойларда 7,4 сўм ва жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ҳамда полизчилигини юритиш мақсадида берилган ерлар учун 28,8 сўм тўланиши лозим.

Савол: *Бизнинг корхонамиз ягона ер солиғи тўловчиси саналади. Корхона балансидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бўлмаган кўчмас мулклар бошқа юридик шахсларга ижарага берилган. Ушбу мулкларга нисбатан мол-мулк солиғи ҳисобланадими?*

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги 5468-сонли Фармонига мувофиқ, ягона ер солиғи тўловчилари учун амалдаги солиқ солиш тартиби сақлаб қолинган. Шунга кўра, **ягона ер солиғи тўловчисига мазкур ҳолатда юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ҳисобланмайди.**

Савол: *Ёшитишимча, ЯТТларга ўзларининг ҳовлиларида меҳмон уйлари очиб, хизмат кўрсатишига рухсат берилибди. Мазкур хизмат тури қай тарзда солиққа тортилади? Банкда ҳисоб рақами ҳам очишадими? Оила аъзолари учун ҳам алоҳида қатъий солиқ тўлашадими? Шулар ҳақида тўлиқ маълумот берсангиз.*

Жавоб: Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги 631-сонли қарори билан тасдиқланган Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Низомга мувофиқ, оилавий меҳмон уйи — мазкур меҳмон уйида уй эгасининг оила аъзолари билан бирга яшаш тамойилига кўра бир вақтнинг ўзида 10 нафаргача ташриф буюрувчиларга (туристларга) вақтинча яшаш ва (ёки) овқатланиш бўйича хизматлар кўрсатувчи, шунингдек, ҳар бир яшовчи шахсга 3 м² ҳисобидан тўғри келадиган тураржой майдонига эга бўлган хусусий уй-жой ҳисобланади.

Оилавий меҳмон уйлари хизматлари оилавий меҳмон уйи ташкил этиш учун яроқли тураржой биносига эга бўлган ҳамда унда яшовчи хусусий тадбиркорлар ёки оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилади.

Оилавий меҳмон уйлари хизматларини амалга оширувчи хусусий тадбиркорлар ёки оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги 4086-сонли қарорига асосан, календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўмдан ошмаганда қатъий белгиланган солиқ:

- Тошкент шаҳрида 350 минг сўм;
- Нукус шаҳри ва вилоят марказларидаги шаҳарларда 200 минг сўм;
- бошқа шаҳарларда 100 минг сўм;
- бошқа аҳоли пунктларида 50 минг сўм тўланади.

Шунингдек, календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумидан:

- 100 миллион сўмдан ошган, бироқ бир миллиард сўмдан ошмаганда, 4 фоиз ставкада ягона солиқ тўлови;
- бир миллиард сўмдан ошганда, юридик шахслар учун назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланади.

Оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш юритадиган якка тартибдаги тадбиркор ҳар ойда энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ягона ижтимоий тўловни тўлайди. Меҳмон уйи очган якка тартибдаги тадбиркорнинг оила аъзолари қатъий белгиланган солиқ тўловидан қонунчиликка асосан озод этилган бўлиб, фақатгина Солиқ кодексининг 311-моддасига биноан оиланинг ҳар битта аъзоси учун энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида ягона ижтимоий тўлов тўланади.

МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ЖАМҒАРМАСИГА СОЛИҚ ЮКИНИНГ ЎЗГАРИШИ



Савол: *Мен компьютер хизматларини кўрсатиш учун 2018 йил февраль ойида якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтганман. Шу кунгача 3 минимал иш ҳақи миқдорида тўловларни тўлардим. Энди 2019 йил 1 январдан эътиборан қанча солиқ тўлайман? Аввалгидек, энг кам иш ҳақининг 3 баробари миқдоридами ёки қандайдир фоиз ҳисобидами? Агар фоиз ҳисобида бўлса, неча фоиз тўлашим керак? Агар энг кам иш ҳақининг 3 баробари миқдорида бўлса, 202 минг 800 сўмдан келиб чиқиб тўлайманми?*

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилги бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги 4086-сонли қарорига асосан, товарни реализация қилишдан тушган тушум 100 миллион сўмгача бўлганда, қатъий белгиланган солиқ тўланади.

Бунда “Компьютер дастурларини ишлаб чиқиш хизматлари, компьютер ўйинларини ташкил этиш, шунингдек, компьютер ёрдамида матнларни териш ва босиб чиқариш хизматлари, матндан нусха олиш ва кўпайтириш билан боғлиқ хизматлар” фаолият тури бўйича ҳар ойда:

- Тошкент шаҳрида 300 минг сўм;
- Нукус шаҳри ва вилоят марказларида 200 минг сўм;
- бошқа шаҳарларда 100 минг сўм;
- бошқа аҳоли пунктларида 50 минг сўм қатъий солиқ тўлови тўланади.

Календарь йилида товарни реализация қилишдан тушган тушуми 100 миллион сўмдан ошган, бироқ бир миллиард сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ягона солиқ тўловини товарни реализация қилиш (ишлар ва хизматлар кўрсатиш)дан тушган тушумдан 4 фоиз ставкада тўлайди. Календарь йилида товарни реализация қилишдан тушган тушуми бир миллиард сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда тўлайди.

Савол: *Дорихоналар қўшилган қиймат солиғи ва сув солиғи тўлайдими?*

Ғайрат РАҲИМОВ.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 208-моддаси 13-бандига асосан, тиббий хизматлар (косметология хизматлари бундан мустасно) ҳамда ветеринария хизматлари, дори воситалари, ветеринария дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмлар, шу жумладан, уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган шундай воситалар ҳамда буюмлар **қўшилган қиймат солиғидан озод этилган.**

Солиқ кодексининг 257-моддасига асосан, агар корхонангиз сувдан фойдаланса, ишлатилган сув ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, **сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчиси ҳисобланади.**

Савол: *Якка тартибдаги тадбиркорларнинг цемент савдоси билан шуғулланиши нима сабабдан чекланган?*

Жавоб: Айрим фаолият турлари бўйича, яъни қурилиш материаллари, цемент, шифер, ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчиларнинг иш ҳажми оғирлиги, маҳсулотларни транспорт воситаларига юклаш, ташиш, тушириш, қадоқлаш, қўриқлаш, йирик ускуналардан фойдаланиш, саноат усулида амалга оширилишини бир нафар ёлланма ишчи билан бажара олмаётганликлари сабабли, қонунчиликда белгиланганидан ортиқча ходимларни ёллаб, норасмий ишлатиш каби ҳолатлар аниқланмоқда. Натижада улардаги норасмий ёлланган ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва меҳнат хавфсизлиги таъминланмасдан, меҳнат стажлари юритилмаслигига ҳамда келгусида асосланган пенсия тўлови кафолатланмасдан қолишига сабаб бўлган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 850-сонли қарорига асосан, хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига ўзгартириш киритилиб, қурилиш материаллари, цемент, шифер, ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари савдоси билан шуғулланиш фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Савол: *Санъаткорлар учун ягона ижтимоий тўловни тўлашни табақалаштириш зарур. Ахир улар даромад солиғидан озод этилган-ку. Ягона ижтимоий тўлов дегани қандай солиқ тури ўзи?*

Жавоб: Солиқ кодексининг 311-моддасига асосан якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдордаги ягона ижтимоий тўлов солиқ тўловчининг календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, мажбурий тартибда тўланади. Белгиланган миқдордаги ягона ижтимоий тўловнинг тўланиши Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 февралдаги 46-сонли қарорига асосан, меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб ҳисобга олинади. Ягона ижтимоий тўлов — 2019 йил, 1 январдан бошлаб якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ўрнига жорий этилди.

Савол: *Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи МЧЖ ягона ер солиғинигина тўлаб келаётган эди. 2018 йилда обороти 1 млрд. сўмдан ошган. Энди ҚҚСга ўтишга мажбурми?*

Бекзод ЙЎЛДОШЕВ.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги 4086-сонли қарорининг 13-бандига мувофиқ, 2019 йилда **ягона ер солиғи тўловчилар учун солиққа тортишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинди.**

Савол: *Маълумки, жамғариб бориладиган пенсия бадаллари даромад солиғи ҳисобидан ўтказилади. Лекин санъаткорлар даромад солиғидан озод этилган. Бундай ҳолатда улар пенсия жамғармасига тўлов тўлайдими?*

Гулҳаё ТЎЛАГАНОВА.

Жавоб: Солиқ кодексининг 390-моддасига мувофиқ, санъаткорлар ойига **энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда** ягона ижтимоий тўлов тўлайдилар.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига асосан, фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этишлари мумкин.

Савол: *Ўзгаришлардан кейин тижорат банклари учун фойда солиғи неча фоиз қилиб белгиланди?*

Шерзод САФАРОВ.

Жавоб: 2019 йил 1 январдан бошлаб, Солиқ кодексининг 1591-моддасига асосан тижорат банклари учун фойда солиғи ставкаси **20 фоиз миқдорида** белгиланди.

Савол: *Бизнинг фирма балансида битта дўкон ва қурилиши тугалланмаган бино бор. Иккисидан ҳам мол-мулк солиғи олинадими?*

Наргиза АДҲАМОВА.

Жавоб: Солиқ кодексининг 267-моддасига мувофиқ, фирма балансидаги дўконнинг **ўртача йиллик қолдиқ қийматидан мол-мулк солиғи ҳисобланиши лозим.** Шунингдек, Солиқ кодексининг 269[1]-моддасига асосан, норматив муддатларда ўрнатилмаган жиҳозлар ва норматив муддатда **тугалланмаган қурилиш объектларига мол-мулк солиғи икки карра оширилган ставкада тўланади.**

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН, СИЗНИ ЯНА ҚАНДАЙ МАВЗУЛАР ҚИЗИҚТИРМОҚДА, ҚАЙСИ МАСАЛАЛАРГА ОЙДИНЛИК КИРИТМОҚЧИСИЗ? БИЗГА САВОЛ ЙЎЛЛАНГ, УНГА МУТАСАДДИЛАР, АЛБАТТА, ЖАВОБ БЕРИШАДИ.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 529 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.35 Топширилди — 02.20 1 2 3 4 5 6